

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМҲОНОВ АҲРОРХОН МУМИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хашимхонов Ахрорхон Муминович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг
ташкилий-ҳуқуқий масалалари.....3

Xashimxonov Akhrorhon Muminovich

Organizational-legal issues of activity of the Cabinet of Ministers of the
Republic of Uzbekistan.....33

Хашимхонов Ахрорхон Муминович

Организационно-правовые вопросы деятельности Кабинета Министров
Республики Узбекистан.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМҲОНОВ АҲРОРХОН МУМИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Үи584 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти (www.jxu.uz) ҳамда «Ziyouet» Ахборот таълим порталда (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Хусанов Озод Гиллабаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Зулфикаров Шерзод Хуррамович
юридик фанлар доктори, профессор

Неманлова Гулноза Сайдиғаннходжаевна
юридик фанлар доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 32/30.12.2020. Үи 74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «16» декабр кунин соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; Jxu@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24/3 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100211, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50).

Диссертация автореферати 2022 йил «3» декабрда тарқатилди.

(2022 йил «3» декабрдаги 9 -рақамли реестр-бланшомаси).



М.Х.Рустамбаев,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Ш.М.Газиев,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, юридик фанлар
доктори доцент

М.Б.Усмонов,

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳукумат фаолиятини самарали усулда ташкил этиш ва унинг серқирра фаолиятини баҳолашнинг муҳим йўналишлари сифатида аҳолининг розилиги ҳамда унинг парламент олдидаги ҳисобдорлиги (жавобгарлиги)га оид жараёнларнинг шаффоф механизмларини татбиқ этиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда ривожланган демократик мамлакатлардаги давлат бошқарувида ихчам ҳукуматнинг фаолият юритиши, ҳукуматнинг асосий вазибаларидан бири сифатида жамиятни маъмурий йўл билан бошқаришдан аҳолига мақсадли давлат хизматини кўрсатиш йўналишига ўтаётганлиги, ҳукумат ва унинг таркибий тузилмалари фаолиятида ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш, “Электрон ҳукумат” тизимидан “Рақамли ҳукумат”га ўтиш йўли билан инсон омилини янада камайтириш орқали тезкор ва сифатли давлат хизматларини жорий этиш тизимининг тобора ривожланаётганлиги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигига оид аниқ механизмларни миллий қонунчилигимиз ва давлат бошқаруви амалиётига жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ҳукумат фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада самарали тарзда ташкил этиш мақсадида унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ҳукуматнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган мустақил ўрни ва ролини аниқлаш, ҳукуматни шакллантириш ва Бош вазир номзодини парламентга тавсия этишнинг муқобил шакллари белгилаш, ушбу орган фаолиятининг жамият ва давлат ҳаётига таъсир этиш усуллари ҳамда воситаларининг самарали механизмларини жорий этиш, ҳукуматнинг давлат хизматини кўрсатиш борасидаги фаолиятини демократик, субъективликдан холи омма учун мақбул бўлган шакл ва услубларини қўллаш, ҳукуматнинг парламент, президент ва суд ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқаларида ваколатларининг аниқ чегарасини белгилаш, ҳукумат ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятида тартибга солиш предметининг аниқ доирасини белгилаш орқали ушбу фаолиятни янада самарали ташкил этиш, ҳукуматнинг парламент олдидаги ҳисобдорлиги баҳолаш мезонлари ҳамда сиёсий жавобгарлиги тартибларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнларида ҳукумат фаолиятини янгича мазмунда ташкил этиш, унинг парламент ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигига оид тартибларни янада ривожлантириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг амалда самарали ижросини таъминлаш орқали юқори натижадорликка эришишга қаратилган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш,

раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш»¹ ҳамда «Давлат бошқаруви органларининг «Давлат — инсон учун» тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш, шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолиятини «фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш» тамойили асосида трансформация қилиш»² каби муҳим вазибалар белгиланган. Бу эса, бир-бирини ваколатларини такрорловчи ижро ҳокимияти органларини қисқартириш, Вазирлар Маҳкамасининг жамоавий ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ва давлат кўмиталари раҳбарларининг индивидуал жавобгарлигини кенг жорий этиш, ижро ҳокимияти органларининг жамият олдидаги доимий ҳисобдорлиги тартиб ва механизмларини жорий этиш, ҳукумат фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезони сифатида аҳолининг розилигини белгилаш, давлат бошқаруви органларининг фаолиятини “Маъмурий бошқарувдан-давлат хизмати (сервис)” га айлантириш тизимларини илмий тадқиқ этиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида»ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси регламенти тўғрисида”ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлашга мазкур диссертация муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот илм фанни ривожлантиришнинг «I. Илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш»; «III. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» каби устувор йўналишлари доирасида тайёрланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Northwestern University, University of Utah, Harvard University, Princeton University ва University of Michigan (АҚШ), Cambridge University, University of Oxford, University of Manchester ва Queen's University (Буюк Британия), University of Mannheim (Германия), Santiago de Compostela University (Spain), Бутунроссия давлат адлия университети (Россия) ҳамда Бухарест университети (Руминия)да олиб борилмоқда.

Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари ва унинг функцияларини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: демократик шароитларда партиявий асосларга кўра ҳукуматнинг шаклланиши ва унинг структуравий моделлари (Northwestern University); ҳукуматнинг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари, ижро ҳокимиятининг одил судлов органини шакллантириш жараёнидаги иштироки орқали суд қарорларига таъсир қилиши ёки суд ва ижро ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларнинг мувозанатини таъминлашга хизмат қиладиган суд томонидан ижро ҳокимияти ҳужжатларини бекор қилиш йўли билан унинг фаолиятига таъсир қилувчи бир қатор омиллар аниқланган (University of Utah); ҳукуматнинг давлат бошқарувида маъмурий бошқарувдан менежментлик асосидаги бошқарувга ўтиши кераклиги асосланган (Harvard University); ҳукуматнинг президент билан ўзаро муносабатларини тадқиқ қилиш асосида уларнинг давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ваколатлари доираси ва чегараси аниқланган (Princeton University); демократик давлатларда ҳукуматга нисбатан парламент томонидан ишончсизлик вотуми билдириш тартиблари тадқиқ қилинган (University of Michigan); ҳукуматнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги мезонлари ва уни таъминлаш масалалари асослантирилган (Oxford University); ҳукуматнинг кенг қамровли функцияларини таъминлаш механизмлари, яъни унинг фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этувчи ҳисобдорлик, ҳар бир масалага индивидуал ёндашув ва унинг институционал таркибий бирликларини қисқартириш каби жиҳатлар ўрганилган (University of Manchester); бошқарувни соддалаштириш орқали унинг халқчил бўлишини таъминлаш мақсадида “E- government” тизимини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган (Queen's University); ҳукуматнинг парламент билан ўзаро муносабатларига оид асосий параметрлари, жумладан, вакиллик органининг ҳукумат таркибини шакллантириш ва уни истеъфога чиқаришдаги роли ўрганилган (University of Mannheim); ҳукуматнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ҳудудий бошқарувни ташкил

¹ Қаранг: <https://www.northwestern.edu/>, www.usu.edu, <https://www.harvard.edu/>, <https://www.princeton.edu/>, <https://umich.edu/>, www.cambridge.org, <https://www.ox.ac.uk/>, <https://www.manchester.ac.uk/>, <https://www.queensu.ca/>, <https://www.uni-mannheim.de/>, <https://www.usc.gal/en>, nyuscholars.nyu.edu, www.jstor.org, <https://heinonline.org/>, www.scp.politicaldata.edu, diposit.ub.edu, www.recercat.cat, www.urvak.ru ва бошқа манбалар.

қилишдаги муносабатлари тадқиқ этилган (Santiago de Compostela University); ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва ушбу жараённинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамияти асослантирилган (Бутунроссия Давлат адлия университети ва Бухарест университети).

Дунёда ҳукумат фаолияти, унинг вазифа, ваколатларини таъминлаш механизмлари ва ҳисобдорлик асосларини таъминлаш бўйича ҳамда бошқа бир катор қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ҳукуматнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатлари конституциявий-ҳуқуқий асосларини ва ҳамкорлик механизмларини тадқиқ этиш; ҳукуматнинг парламент қарорлари ижросини таъминлаш фаолияти устидан назоратни кучайтириш; ҳукумат раҳбари (Бош вазир)га нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш шакллари такомиллаштириш; ҳукуматнинг ҳудудий давлат ҳокимияти ижроия органлари билан ўзаро алоқалари тартибларини аниқ белгилаш; стратегик вазифаларни амалга ошириш учун ҳукумат томонидан қуйи турувчи ижро органларининг фаолиятини бошқариш, йўналтириш ва назорат қилишдаги ролини ошириш; ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш; ҳукуматнинг давлат бошқаруви жараёнидаги ишироқини сифатли ташкил этиш мақсадида янгича устувор вазифаларни белгилаш; ҳукумат фаолиятини рақамлаштириш; ҳукумат фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида сунъий интеллектни кенг қўллаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фанида ҳукуматнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми, унинг давлат ҳокимиятининг бошқа субъектлари билан ўзаро алоқалари билан боғлиқ масалаларга бағишланган турли изланишлар олиб борилган. Шунингдек, мазкур соҳага оид изланишлар бугунги кунда янгича долзарб аҳамият касб этмоқда. Ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат фаолиятига оид амалга оширилган илмий изланишларни бир нечта йўналишларга бўлиб таснифлаш мумкин.

1-йўналиш: ижро этувчи ҳокимият, ҳукуматнинг назарий-ҳуқуқий тушунчаси, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни масаласи А.А.Азизхўжаев, М.А.Ахмедшаева, С.М.Адилходжаева, О.Т.Хусанов, З.М.Исломов, З.Т.Воҳидов, М.Бойдадаев, Б.И.Исмоилов, Ш.О.Мамадалиев, Ў.Х.Мухамедов, Ф.Ҳ.Раҳимов, Х.И.Рузметов, И.Т.Тулътеев, А.Т.Тўлаганов, М.Қирғизбоев, Э.Х.Халилов сингари мамлакатимиз олимларининг ишларида ҳамда В.Чиркин, Д.Ковачов, Н.Горшкова, Л.Калинина, Ю.Тихомиров, К.Бельский, Р.Асланян, М.Чудаков, Ш.Андраш, Л.Энтин каби чет эллик тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида акс этган.

2-йўналиш: ижро этувчи ҳокимият ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ айрим назарий-ҳуқуқий масалалар Х.Т.Одилқориев, Б.Ж.Янгибоев, Ш.З.Ўразаев каби ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳамда С.В.Бахвалов, А.И.Бобылев, А.В.Василенко, А.В.Ильин, О.В.Кваша, Т.Е.Кучерова ва Ю.Д.Рудкин каби рус олимлари асарларида ўз ифодасини топган.

3-йўналиш: ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўзаро муносабатлари механизмлари масаласи М.М.Миракулов, Б.Алимов каби ўзбек олимларида ҳамда рус олимларидан А.Шипанов, С.Шкурина, Д.Выголовский, Е.Осавелюк ва В.Прокофьевларнинг илмий тадқиқотларида келтириб ўтилган.

4-йўналиш: ҳукуматнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан муносабатлари ҳуқуқий асослари А.Х.Саидов, Н.П.Азизов, Р.Р.Ҳакимов, О.З.Мухаммаджанов, Г.Р.Маликова, И.Беков, Ш.Х.Зулфиқаров, Ш.У.Якубов, С.Н.Бердикулов, С.Юсупов ва Х.Турдиевларнинг илмий изланишларида ҳамда рус олимларидан И.Исаев, В.Гончаров ва С.Дмитриевларнинг илмий тадқиқот ишларида тадқиқ қилинган¹.

Ҳукуматнинг фаолиятини ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга ва унинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигига оид назарий-илмий қарашлар, қонунчиликка оид қиёсий ҳуқуқий таҳлиллар хорижий олимлар М.Лоер, Л.В.Мартин ва Р.Т.Стивенсон, Д.Диермиер, Х.Ераслан, А.Мерло ва Да.П.Барон, В.Стефан ва Р.Влигентарт, Э.Жорж, А.Баррет ва Ж.Пик, С.Томас, М.Сусанна, Х.Метин ва М.Синар, Л.Лавренс ва К.Санстейн, Де. В. Лиевен, Г.Макл, Д.Холгер ва Ф.Манов, М.Херберт, Ж.Женни, Х.Волфганг С., В.Диана, Р.Ролв, Х.Ч.Гров ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритиб берилган².

Юқорида келтирилган тадқиқотларда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг у ёки бу қирраларига оид масалалар қисман таҳлил этилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш, ҳукумат ваколатларини таъминлаш усуллари, унинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги, ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат ҳокимияти барча тармоқлари билан ўзаро муносабатлари, Вазирлар Маҳкамасининг давлат бошқарувидаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари ва унинг фаолиятини рақамлаштиришга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университети Илмий инновацион иш режасининг «Давлат бошқаруви соҳасини янада ислоҳ қилиш, ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид муносабатларни комплекс таҳлил қилиш орқали ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тарихий ривожланиш босқичларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;

ҳукуматнинг ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий коллегиял органи сифатида давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаш;

ривожланган хорижий мамлакатлар ҳукумати фаолиятини қиёсий-ҳуқуқий усулда тадқиқ этиш;

Вазирлар Маҳкамасини шакллантиришга оид конституциявий-ҳуқуқий асосларни тадқиқ қилиш орқали ушбу жараёни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни илгари суриш;

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий йўналишлари ва унинг функцияларини таъминлаш механизмларини тадқиқ қилиш орқали уларни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларни таҳлил қилиш орқали мазкур фаолиятни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўзаро муносабатлари табиатини тадқиқ қилиш асносида улар ваколатларининг чегараларини аниқлаштириш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли ҳулосалар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан муносабатлари механизмларини ўрганиш асосида ушбу ҳамкорликни янада самарали усулда ташкил этиш борасидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилиб, ушбу муносабатлар ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар илмий асослаш;

Вазирлар Маҳкамасининг давлат бошқаруви соҳасидаги иштироки билан боғлиқ фаолиятда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини рақамлаштириш масалалари, имкониятлар ва уни ривожлантириш истиқболларини илмий ва амалий жиҳатдан асослаш;

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигига оид ҳуқуқий асосларни тадқиқ қилиш орқали ушбу жараёни янада шаффоф ва самарали тарзда ташкил этиш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти, хорижий

мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фандаги мавжуд концептуал ёндашув, илмий-назарий қарашлар ва ва ҳуқуқий категориялар ҳамда мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга оид масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, кузатиш, тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳукумат раҳбарини сайлаш ва тайинлаш, шунингдек унга нисбатан жавобгарлик белгилаш парламент палаталарининг кўпчилик овози орқали амалга оширилиши кераклиги асосланган;

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзодни парламент томонидан кўриб чиқиш ва маъқуллаш чоғида унинг истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи «фаолият дастури»ни тақдим этиши зарурлиги асосланган;

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши янги шакллантирилган Сенатнинг биринчи мажлиси ўтказиладиган кунда парламент палаталарига Бош вазирнинг ёзма мурожаат қилиши орқали амалга оширилиши кераклиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси айрим аъзоси раҳбарлик қилаётган давлат бошқаруви органи фаолияти натижасига кўра, зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш юзасидан давлат раҳбарига таклиф киритиши мумкинлиги асослаб берилган;

Ҳукумат фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликка оид тамойил талабларига тўлиқ эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси парламент палаталари кўмиталари ва комиссияларининг ҳукумат фаолиятига доир тавсия ва таклифларини кўриб чиқиши ҳамда мазкур масалалар юзасидан чора-тадбирлар кўриши, шунингдек, уларнинг натижаси тўғрисида тегишли кўмита ва комиссияларни келишилган муддатда хабардор қилиши зарурлиги асосланган;

Вазирлар Маҳкамасининг ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ахборот жамиятини шакллантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш, шунингдек, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали амалга оширилиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари томонидан қабул қилинадиган қасамёд лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари шартлиги, шунингдек, давлат тилини билиши ва олий маълумотга эга бўлишлари кераклигига оид талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари вазир ва давлат қўмитаси раиси бўлишлари, шунингдек, бошқа давлат органларига раҳбарлик қилишлари мумкинлиги тартиби тақдим этилди;

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатда ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритиши, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши ва бу йўналишда услубий раҳбарликни амалга ошириши юзасидан тавсиялар тақдим этилди;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида баённома юритилиши ва кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар қарорлар шаклида расмийлаштирилиши кераклигига оид тартиб ишлаб чиқилди;

Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қонун билан муҳофаза қилинадиган, давлат сирини ташкил этадиган маълумотларни ўзида ифода этувчи ҳужжатлари фармойиш шаклида қабул қилиниши ва уларни расмий манбалар ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш талаб этилмаслиги бўйича тақлифлар берилди;

қонунчиликка вазирлар ва давлат қўмиталарининг раислари қарор ва буйруқлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси 3-қисмига мамлакат ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудий бирлигида фавқулодда ҳолат жорий этмасдан ҳам Вазирлар Маҳкамаси томонидан чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш мумкинлиги илгари сурилди;

парламент текшируви хулосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ҳукумат раҳбарига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби тақдим этилди;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 103-моддаси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига агарда вилоят ҳокими ўз зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажармагани юзасидан тегишли асослар мавжуд бўлганда, шунингдек, унинг бюджет ижроси бўйича тақдим этган ҳисоботи юзасидан депутатларда ҳақли эътирозлар бўлганда унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тақлифи ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим тақлифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида, қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилишда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи», «Маъмурий ҳуқуқ», «Парламент ҳуқуқи», «Қиёсий конституциявий ҳуқуқ», «Конституциявий ҳуқуқнинг илмий-амалий муаммолари» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан дарслик, монография, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш соҳасида сўнгги йилларда қабул қилинган қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга, замонавий ҳукуматнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар асосида:

агар овоз бериш чоғида Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасида ёки Сенатда Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунида (6-модда 5-қисми) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 04/10-10-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олинishi Бош вазир номзоди парламент палаталари томонидан тасдиқланмагани ҳолатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этишида ифодаланадиган ҳуқуқлари кенгайтишига хизмат қилган;

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод унинг номзодини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда

тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунида (6-модда 8-қисми) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 04/10-10-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши ҳукумат аъзоларининг лавозимга тайинланишдан олдин келгусидаги фаолиятлари жараёнида амалга оширадиган бир неча йўналишдаги ўз вазифа ва дастурларини тақдим этиши орқали уларнинг парламент олдидаги масъулият ҳамда ҳисобдорлиги таъминланишига хизмат қилган;

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши янги шакллантирилган Сенатнинг биринчи мажлиси ўтказилган кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига Бош вазир томонидан ёзма мурожаат бериш орқали амалга оширилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунида (6-модда 16-қисми) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 04/10-10-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши амалдаги ҳукуматнинг токи янги парламент палаталари шаклланиб бўлгач янги Бош вазир ва ҳукумат аъзоларини шакллантиришнинг имконияти вужудга келгунга қадар фаолият юритиб туришига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маҳкамаси айрим аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиши ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкинлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунида (38-модда 5-қисми) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 04/10-10-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши ҳукумат аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси олдидаги ҳисобдорлиги ва жавобгарлигининг ортишига хизмат қилган;

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарини ва комиссияларини келишилган муддатда хабардор қилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунида (38-модда

9-қисми) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2022 йил 8 июндаги 04/10-10-108-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши парламент органларининг ҳукумат фаолиятига оид масалалар юзасидан тегишли устувор вазифаларни белгилаб беришда ифодаланадиган ҳуқуқларининг кенгайишига хизмат қилган;

ахборот жамиятини шакллантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизими жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунида (17-моддаси учинчи хатбошиси) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 28 октябрдаги 12-15-12-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инobatга олиниши “Электрон ҳукумат” тизимининг жорий этилишига, шунингдек жамият ҳаётида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат органлари томонидан тезкорлик билан хизмат кўрсатиш орқали таъминланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида муҳокама қилинган ҳамда 5 та илмий тўпламларда нашр этилиб, синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан 1 та монография ва 23 та мақола (шундан 15 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган журналларда) chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн икки параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 254 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, мавзуга оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг умумий тавсифи ва илмий-назарий асослари” деб номланади, унда ҳукумат, Вазирлар Маҳкамаси тушунчаси, унинг тузилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига оид ҳуқуқий асос ва муносабатларнинг ривожланиш босқичлари, ҳукуматнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва мақоми, ривожланган

демократик мамлакатларда ҳукуматни шакллантириш ва уни фаолияти натижасига кўра жавобгарликка тортишга оид ҳуқуқий асослар ёритилган.

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришгач, ўзининг давлат ҳокимияти органларини ўзи мустақил шакллантирди ва бунда ижро этувчи ҳокимиятни ифода этувчи тузилма сифатида Вазирлар Маҳкамаси ташкил этилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар ушбу ҳокимият тармоғининг ривожланиш босқичларини тадқиқотчи 4 та муҳим босқичга бўлиб таҳлил қилади.

Бунда ушбу жараёнларни аввало собиқ иттифоқ даврининг охириги йилларидан бошлаб то мустақил Ўзбекистон Республикасининг конституцияси қабул қилинган 1992 йилгача бўлган даврни **биринчи босқич даври**, 1992 йилдан бошлаб 2003 йилгача бўлган даврни **иккинчи босқич** сифатида, 2003 йилдан 2019 йилгача бўлган вақт оралиғидаги жараёнларни эса **учинчи босқич** сифатида ҳамда 2019 йил декабрдан кейинги даврни охириги **тўртинчи босқич** сифатида кўрсатиб, ушбу босқичларда ижро этувчи ҳокимият доирасида амалга оширилган ташкилий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилган.

Тадқиқотчи Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида эълон қилинган пайтгача ва мустақилликдан кейинги йиллар давомида ижро этувчи ҳокимият фаолияти ҳуқуқий асосларининг назарий таҳлиliga кўра, қуйидаги, яъни: 1) истиқлолгача бўлган даврда ҳам Ўзбекистоннинг янгича давлат бошқаруви шаклига ўтиш бўйича фаол ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги; 2) ижро ҳокимияти раҳбари сифатида президентлик институтининг 1990 йилда МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб таъсис этилганлиги; 3) ижро этувчи тузилма сифатидаги мустақил Министрлар Советининг президент маъмурияти билан қўшиб юборилиши орқали президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айланрилиши; 4) Вице-президент лавозимининг таъсис этилиши ва қисқа муддатда ушбу лавозимнинг тугатилиши; 5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан давлат ҳокимиятининг тақсимланиши тамойилининг асосий ҳужжатда акс этиши ва илк Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий асосларининг белгиланиши; 6) дастлабки 10 йилдан ортиқ муддат давомида ижро этувчи ҳокимиятнинг бевосита президент томонидан бошқарилганлиги; 7) президентнинг Вазирлар Маҳкамаси раиси эканлигига доир норманинг қонунчиликдан чиқарилиши; 8) президентнинг ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканлигига оид қонуннинг бекор қилиниши; 9) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбарликнинг бевосита Бош вазирга юкланишига оид ҳуқуқий асосларнинг яратилиши; 10) Бош вазир лавозимига номзоднинг сайловларда ғолиб бўлган партия ёки тенг миқдордаги кўпчилик ўринларни эгаллаган партиялар томонидан тақдим этилиши ва уни истеъфога чиқариш тартибларининг белгиланиши; 11) Конституция ва янги таҳрирдаги махсус қонунда Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти, вазифа ва функцияларига доир тартибларнинг батафсил белгиланиши каби муҳим жараёнлар содир бўлганлиги тўғрисида хулосага келади.

Тадқиқотчи, ҳукуматнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва муҳим ролини таҳлил қилиб, унинг давлат бошлиғи сифатида президент, олий вакиллик органи Олий Мажлис ва суд ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари табиатини ўрганиш асосида барча ҳокимият тармоқлари фаолиятини самарали тарзда ташкил этиш учун ҳукумат фаолиятининг аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини қайд этади.

Диссертант томонидан аввало, Ю.Тихомиров, Д.Ковачев, В.Чиркин, Ш.Андраш, Н.Горшкова, Л.Калинина, А.Рахмонов, Р.Ҳакимов каби олимларнинг ижро этувчи ҳокимият тушунчаси тўғрисидаги фикрлари, илмий таҳлилларини тадқиқ қилиш орқали, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар кўлами ва ҳажмидан, шунингдек ҳар бир давлат органи фуқароларни рози қилиши улар фаолиятининг бош мезони эканлигига оид талаблардан келиб чиқиб, тадқиқот ишида Ижро этувчи ҳокимият – давлат ва жамият ҳаёти барча соҳаларининг самарали фаолиятига марказий ва маҳаллий даражада раҳбарликни амалга оширадиган, қонунлар ва президент қарорларининг ижросини таъминловчи, ушбу ижрони таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи, мажбурлов воситаларига эга бўлган ва фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ифода этувчи давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир, деган муаллифлик таърифини келтиради. Бунда диссертант томонидан ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор ўринга эга эканлигини таъкидлайди.

Шунингдек, тадқиқотда «Давлат бошқаруви» категорияси билан «ижро этувчи ҳокимият» тушунчалари ўртасидаги тафовут ва ўхшашликка оид ҳолатларни тадқиқ қилган К.Бельский, Р.Асланян, Л.Калинина, М.Ахмедшаева, А.Рахмоновларнинг фикрларини ўрганиш асосида, бошқарув тушунчаси нафақат ижро этувчи ҳокимият тармоғига, балки, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига тегишли тушунча бўлиб, суд фаолияти, назорат, контроль ва яна давлатнинг бир қатор муҳим функцияларини амалга оширувчи органлар фаолияти учун ҳам хос бўлган ҳодиса эканлиги таъкидланиб, давлат ҳокимияти барча тармоқларини фаолияти мавжуд бўлиши учун албатта бошқарув бўлиши зарурлиги таъкидланади. Шунингдек, тадқиқотчи давлат бошқаруви ижро ҳокимияти учун ҳам хос бўлган хусусият эканлигини асослаб, ушбу бошқарув ижро этиш фаолиятини амалга оширишнинг бир шакли эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи, ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий органи сифатида ҳукуматга доир М.Чудаков, Р.Енгибарян, Э.Тадевосян, Л.Энтинлар, шунингдек, ҳукуматнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомига оид Д.Выголовский, Р.Асланян, Р.Ҳакимовларнинг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини тақдим этади: Вазирлар Маҳкамаси – давлат ва жамият ҳаёти барча соҳаларининг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари ва давлат бошлиғи фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларининг ижросини амалга оширадиган, ушбу ижрони таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи, фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда

манфаатларини ифода этувчи ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий коллегиял органидир.

Шунингдек, тадқиқотда назарий ва ҳуқуқий асослар таҳлилига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг мақомини белгилаб берувчи қуйидаги белгилар келтириб ўтилади: 1) ҳуқуқий мақомининг юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари қарори ва қонунчилик асосида белгиланиши; 2) ҳукуматнинг қуйи турувчи ижро ҳокимияти органлари фаолиятини бошқариши, йўналтириши ва назорат қилиши; 3) ҳукумат фаолиятида ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳа ва тармоқларини қамраб олиши; 4) фаолиятининг давлат бюджети томонидан молиялаштирилиши; 5) олдига қўйилган вазифаларни давлат ҳокимияти ваколатлари асосида амалга ошириши ва мажбурлов воситаларига эга бўлиши; 6) амалдаги қонунчиликка биноан, бажарилиши шарт бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклидаги қарорлар қабул қилиши; 7) фаолиятида парламент ва президент олдида ҳисобдор бўлиши ҳамда жавобгарлигининг белгиланиши.

Тадқиқотчи, хорижий мамлакатлар конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш орқали ҳукуматни шакллантиришнинг асосан «парламентар» ва «нопарламентар» усулларда амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди. Ҳукуматни шакллантиришнинг “парламентар” усули парламент ва аралаш бошқарув шаклидаги давлатларга хос хусусият эканлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилган ҳолда ушбу тизимда айнан парламент қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловларда кўпчилик ўринни қўлга киритган сиёсий партия ҳукумат раҳбари ва аъзоларини шакллантиришини таъкидлайди. Шунингдек, у Ҳукумат раҳбарининг парламент томонидан аниқланиши ва федерал президент томонидан тасдиқланиши (Германия Федератив Республикаси асосий қонунининг 63-моддаси), ёки монарх томонидан тайинланиши (Япония конституциясининг 6-моддаси), республика президентининг сайлов натижаларини инобатга олган ҳолда Республика Ассамблеясидаги сиёсий партиялар билан маслаҳатлашувларидан сўнг тайинланиши (Португалия конституциясининг 187-моддаси) каби тартиблар амал қилишини таъкидлаб, ушбу жараёнларда президент ёки монархнинг ҳукумат раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарори “рамзий” аҳамиятга эга эканлигини қайд этади.

Тадқиқотчи томонидан ҳукуматни шакллантиришнинг «нопарламентар» усули президентлик республикаларида ва айрим монархия бошқаруви шаклидаги давлатларда амал қилиши, бунда ижро этувчи ҳокимият султонга тегишлилиги ва унинг аъзоларини султоннинг ўзи шакллантириши (Бруней султонлиги конституцияси 3-қисм 4-моддаси, Саудия Арабистони Асосий Низоми 56, 57-моддалари, Қатар конституцияси 117, 118-моддалари) ҳамда президентлик бошқарув шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи ижро этувчи ҳокимият аъзоларини хоҳишига кўра шакллантириши (Бразилия конституциясининг 84-моддаси, Колумбия конституциясининг 120-моддаси, Мексика конституциясининг 89-моддаси) ва унинг мансабдорларини лавозимдан озод этиши, шунингдек, АҚШ Бразилия ва Мексика каби давлатларда ҳукумат яхлит коллегиял орган сифатида мавжуд бўлмаслигига оид ҳуқуқий асослар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматини шакллантириш жараёни ҳам айнан парламентар

усулга хос эканлиги қайд этилиб, бу тизимнинг ижобий жиҳатлари санаб ўтилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, унда Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби ва асослари, унинг функция ва ваколатлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари, ҳукумат таркибидаги вазирлик ва давлат қўмиталарининг вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг энг муҳим фаолият турларидан бири сифатида ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти жараёни ва тартиби каби масалалари ёритилган.

Тадқиқотчи томонидан Бош вазир лавозимига номзоднинг парламент ҳар икки палатаси эмас, балки, фақатгина қуйи палата томонидан овоз бериш орқали шакллантирилиши зарурлиги, сабаби, Бош вазир лавозимига номзодни кўрсатиш қуйи палата учун бўлиб ўтган сайловлар натижаларига боғлиқ эканлиги, бунда номзод сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши партиявий мақсад-муддаоларни рўёбга чиқаришнинг воситаси сифатида қаралиши таъкидланган. Сенат тўғрисидаги қонунга кўра, юқори палата ҳудудийлик принципи асосида шакллантирилиши белгиланган. Унда партиявий мақсад йўқ. Шу сабабли уни партиявий мақсад ва муддаога дахлдор сиёсий жараёнга боғлаб қўйиш керак эмас. Ҳукумат раҳбарининг фақатгина парламент қуйи палатаси розилиги билан шакллантирилиши амалиёти МДҲ (Россия, Қозоғистон) ва хориж (Польша) амалиётида ҳам мавжудлиги алоҳида қайд этилади.

Шунга кўра, Бош вазир лавозимига номзоднинг фақатгина Қонунчилик палатаси депутатлари кўпчилик қисмининг овозини олиш орқали президент томонидан тайинланишига оид ҳуқуқий асосларни конституция ва қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Тадқиқотчи томонидан қатор давлатлар амалиёти асосида Бош вазир ва ҳукумат аъзолари Ўзбекистон фуқаролари бўлиши, давлат тилини билиши ва олий маълумотга эга бўлиши кераклиги, шунингдек, Польша, Греция, Қозоғистон, Озарбайжон, Австрия, Германия ва қатор ривожланган давлатлар конституциявий амалиётида мавжуд бўлганидек, Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг лавозимга киришишларидан олдин белгиланган тартибда қасамёд қабул қилишларига оид тартибларни қонунчиликка киритиш зарурлиги таъкидланган.

Бош вазирнинг мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва жамият ҳаётидаги мавқеидан келиб чиқиб, диссертант унинг қасамёд матнини қуйидагича белгилашни таклиф этади:

Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республика Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фаолиятимда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини амалга оширилишига бор кучим ва имкониятларимни сафарбар этишга тантанали қасамёд қиламан.

Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг қасамёд матнини эса, қуйидаги мазмунда таклиф этади:

Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фаолиятимда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоси сифатида раҳбарлик қиладиган соҳам зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режамни амалга оширилишига бор кучим ва имкониятларимни сафарбар этишга тантанали қасамёд қиламан.

Тадқиқотчи ҳукумат ваколатларини тадқиқ қилган М.Топоркованинг ва миллий ҳамда хорижий қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали Бош вазир ўринбосарлари айни пайтда қонунчиликда белгиланмасида, қўшимча ваколатга эга бўлиб вазир ва бошқа давлат бошқарув органларининг раҳбари сифатида фаолият олиб бораётганликлари сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари вазир ва давлат қўмитаси раиси бўлишлари, шунингдек, бошқа давлат органларига раҳбарлик қилишлари мумкинлигига оид ҳуқуқий асосларни киритиш лозимлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи, юридик фанда ҳукуматнинг функция ва ваколатларини тадқиқ қилган М.Ахмедшаева, С.Сосновский, С.Дмитриев, Ю.Соколова, А.Нечкин каби олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиш асносида, Ҳукумат ўз ваколатлари доирасида биринчи навбатда қонунлар ижросини ташкиллаштириши, сўнгра эса, ижро этувчи ҳокимиятнинг қуйи органлари фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиб боришини таъкидлаб, жаҳонда унинг коллегиял орган сифатидаги сиёсий масалаларни ва умумий бошқарув соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ваколатлари доираси кўп жиҳатдан мамлакатнинг бошқарув шакли, сиёсий режимнинг характери, сиёсий кучларнинг мутаносиблиги ва тарихий анъана ҳамда одатларга ҳам бевосита боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратади.

Тадқиқот ишида ҳукуматнинг асосий ваколатлари келтириб ўтилган қонунда унинг ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўта муҳим ваколатлари мустаҳкамланмаганлиги қайд этилади. Зеро, конституция 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши мустаҳкамланган. Шунингдек, қонунлар ижроси механизми ҳам ҳукуматнинг ҳуқуқий сиёсатисиз амалга ошмайди. Шунга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунда алоҳида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий сиёсатни юритиш соҳасидаги ваколатлари», деб номланувчи янги 20¹-моддани киритиш зарурлиги асосланиб унинг муаллифлик матни таклиф этилган.

Тадқиқотчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти – давлат бошқаруви ва ижро ваколатларини бажариш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга ошириш мақсадида Конституция ва қонун ҳужжатларига риоя этган ҳолда ҳамда уларни қўллаш юзасидан амалга ошириладиган ҳуқуқни яратишга қаратилган расмий фаолиятдир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилган.

Қонунчиликка мувофиқ, баённома тарзидаги ҳуқуқий ҳужжат шакли белгиланмаган. Бироқ, ҳукумат фаолиятига оид ҳуқуқий асосга кўра, амалиётда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари баённома тарзида расмийлаштирилмоқда. Тадқиқотда қонунчилик техникаси талабларига биноан, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида баённома юритилиши ҳамда ҳукумат норматив-ҳужжатлари фақатгина қарорлар шаклида расмийлаштирилишига оид тартибларни «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун ва унинг регламентида белгилаш кераклиги асосланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати механизмлари**» деб номланиб, унда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўзаро алоқалари, шунингдек, ҳукуматнинг Олий Мажлис билан қонунлар қабул қилиш жараёни ва жавобгарлигига оид жараёнлардаги алоқаси, бундан ташқари ижро этувчи ҳокимиятнинг суд ҳокимияти органлари билан бир неча йўналишларда кечадиган муносабатларнинг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи, президентнинг бевосита ижро этувчи ҳокимият билан алоқалари юзасидан илмий изланиш олиб борган Х.Метин ва М.Синар, Л.Лавренс ва К.Санстейн, Г.Брианлар, В.Чиркин, А.Шипанов, В.Прокофьев, Д.Виголовский, Е.Осавелюк ва М.Ахмедшаеваларнинг илмий-назарий фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, конституцияда белгиланган ваколатга кўра президентнинг давлат раҳбари сифатидаги асосий вазифаси барча ҳокимият тармоқларининг баҳамжихатликда фаолият олиб боришларини таъминлаш эканлигини, бунинг учун эса, унда барча ҳокимият тармоқларига нисбатан муайян конституциявий-ҳуқуқий ваколатларнинг бўлиши зарурий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Шунингдек, тадқиқотда президентнинг Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро фаолиятини таҳлил қилиш орқали ушбу муносабатларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкинлигини таъкидлаб: биринчи гуруҳга, президентнинг Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш борасидаги ваколатларига доир ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи қоидаларни; иккинчи гуруҳга, бевосита ҳукуматнинг фаолияти давомида қабул қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига нисбатан президентнинг уларни бекор қилиш ва ҳукуматнинг мажлисларида раислик қилиш борасидаги фаолияти асосларини; учинчи гуруҳга, президентнинг ҳукуматга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми ҳолатида ёки унинг ўзи томонидан ҳукумат аъзоларини истеъфога чиқариш юзасидан тегишли қарор қабул қилиш билан боғлиқ фаолияти ҳуқуқий асосларини киритади.

Шунингдек, тадқиқотчи қонунчиликдаги ҳукумат қарорлари Бош вазир томонидан имзолангунга қадар ва Бош вазир раислигида ўтказилган мажлис баённомаси имзолангунга қадар президент администрацияси билан келишилиши кераклиги тўғрисидаги қоидалар юзасидан фикр юритиб, ҳукумат қарорларини имзолашдан олдинги ушбу тартибларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Сабаби, конституциянинг 11 ва 98-моддаларига кўра ҳукумат, ижро этувчи ҳокимиятни ифода этувчи мустақил ҳокимият тармоғидир. Конституциянинг 93-моддаси ва махсус қонуннинг 35-моддасига биноан, президентнинг ижро этувчи ҳокимият марказий органи ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилишга ҳақли эканлиги эса, тегишли ҳуқуқий тартиб орқали унинг ҳукуматга нисбатан таъсир кучига эга бўлиб, ушбу ҳокимият тармоғини мувозанатда сақлашда аҳамиятга эгаллиги қайд этилади.

Тадқиқот ишида хорижий мамлакатлар ҳуқуқий амалиёти таҳлилига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда парламент назорати натижаларига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ҳукумат раҳбарига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш тартиби ва механизмларини белгиловчи қоидаларни киритиш зарурлиги асосланади.

Муаллиф томонидан суд қарорларини ижро этиш вазифаси прокуратура органлари эмас, балки, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиши зарурлиги, бу ўз навбатида ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилига ҳам мувофиқ келиши, хорижда, хусусан, Туркия, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Италия ва Германия каби давлатларда суд органларининг ҳужжатлари айнан ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиши алоҳида қайд этилади.

Тадқиқотда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунлари, «Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом» ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексидаги қоидалар таҳлил қилиниб, ижро этувчи ҳокимият тармоқ органлари ҳам ташкил этилиши мазмун-моҳиятига кўра ҳуқуқни муҳофаза этиш функциясини амалга ошириши ва шу сабабли улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторига кириши қайд этилади. Шу туфайли, ушбу органлар томонидан амалга ошириладиган суриштирув ва дастлабки терговнинг барча турлари ва босқичларидаги процессуал ҳаракатлардан норози бўлган шахслар судга шикоят қилишларига оид механизмларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Демократик ислохотлар жараёнида Вазирлар Маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари**» деб номланиб, унда Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи вазирлик ва давлат қўмиталари, бошқа ижро этиш функциясини амалга оширувчи органлар фаолиятига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек ҳукумат фаолиятини рақамлаштириш масалалари ҳамда ижро этувчи ҳокимиятнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигига оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Диссертант, А.Азизхўжаев, Э.Хожиев, Д.Овсянколарнинг ижро ҳокимияти марказий органлари тўғрисидаги фикрларини тадқиқ қилиш асносида вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, давлат инспекцияларига муаллифлик таърифини келтиради ва уларни тегишли қонун ҳужжатларида акс эттириш кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, тадқиқотда ҳукумат фаолиятини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун билан белгиланмаган, бироқ ижро ҳокимияти органлари тизими ва тузилмаси ҳамда ушбу органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи, уларнинг бир-биридан фарқли хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, улар марказий ва ҳудудий органлари тизимини мустаҳкамловчи, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини акс эттирувчи алоҳида «Ижро ҳокимияти органлари тизими тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурияти асосланади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган конституциявий ва маъмурий ислохотлар жараёни ҳамда шаклланган ҳуқуқий асосларга кўра, эндиликда ҳокимларнинг тегишли ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга раҳбарлик қилишига оид ҳуқуқий амалиётни ўзгартириш, улар фақатгина ҳудуднинг ижроия органи раҳбари эканлигини белгилаш ҳамда уларнинг зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажармаганлик ҳолатида уларга нисбатан тегишли кенгаш депутатлари томонидан ишончсизлик вотуми билдириш орқали жавобгарликка тортишни белгиловчи асосларни конституция ва қонунларда акс эттириш зарурлиги асосланган.

Муаллиф «Электрон Ҳукумат» тизими тўғрисидаги Н.Данилов, А.Юртаев, С.Содиқов, И.Мальгасов каби тадқиқотчиларнинг ишларини тадқиқ қилган ҳолда, рақамлаштириш солиқ ва йиғимларни бошқариш тизими, бюджет ижросини назорат қилиш, рақамли имзо орқали фуқароларни идентификациялаш ва давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштирганлигини, шунингдек, бу тизим корхоналар ва аҳолига маъмурий юкни сезиларли даражада камайтириб, фуқароларга давлат органлари томонидан тезкор, самарали, қулай ҳамда камҳарж давлат хизмати кўрсатилишига сабаб бўлаётганлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали 349 турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Бу эса давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг 30 фоизини ташкил этади. Шу сабабли, «Электрон Ҳукумат» тизимидан «Рақамли Ҳукумат»га ўтиб давлат бошқарувини янада такомиллаштириш орқали фуқароларга янада кенгрок тарзда давлат хизматини таъминлаш зарурлиги асосланган.

Муаллифнинг фикрига кўра, конституцияда ҳукуматга нисбатан парламент томонидан ишончсизлик вотуми билдириш мезонлари, сабабларини белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш орқали ҳукуматнинг олий вакиллик органи олдидаги масъулиятини яна бир қарра оширишга эришиш мумкин. Жумладан, Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар юзага келган тақдирда, яъни Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг қуйи

палата томонидан қабул қилинмаслиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибда эшитиб, унга нисбатан жиддий эътирозлар бўлганлиги сабабли қабул қилмаслиги каби ҳолатларда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масалани киритишга оид асосларни қонунчиликка киритиш зарурияти асосланган.

ХУЛОСА

Илмий-тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулоса, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Ижро этувчи ҳокимият бу – давлат ва жамият ҳаёти барча соҳаларининг самарали фаолиятига марказий ва маҳаллий даражада раҳбарликни амалга оширадиган, қонунлар ва президент қарорларининг ижросини таъминловчи, ушбу ижрони таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи, мажбурлов воситаларига эга бўлган ва фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ифода этувчи давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

2. Ижро этувчи ҳокимиятнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми – бу Конституция ва қонунларда белгиланган ижро ҳокимиятини шакллантириш тартиби, унинг ҳуқуқ ва ваколатларини белгиловчи, шунингдек, унинг бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳамда ҳисобдорлиги ва жавобгарлигига оид конституциявий-ҳуқуқий нормалар мажмуидир, деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

3. Муаллифлик таърифи сифатида, Вазирлар Маҳкамаси – давлат ва жамият ҳаёти барча соҳаларининг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг қарорлари ва давлат бошлиғи фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларининг ижросини амалга оширадиган, ушбу ижрони таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи, фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ифода этувчи ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий коллегиял органидир.

4. Муаллифлик таърифи сифатида, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти – давлат бошқаруви ва ижро ваколатларини бажариш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга ошириш мақсадида Конституция ва қонун ҳужжатларига риоя этган ҳолда ҳамда уларни қўллаш юзасидан амалга ошириладиган ҳуқуқни яратишга қаратилган расмий фаолиятдир.

5. Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш фаолиятдан кўзланган мақсад сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, бошқарув ва ижро этиш соҳаси доирасидаги муносабатларда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

иккинчидан, давлат дастурларини ижро этиш юзасидан ташкилий ва ҳуқуқий воситаларни белгилаш;

учинчидан, қонунларни ижро этиш механизмларини ўзида ифода этиш;

тўртинчидан, ҳукуматга бўйсунувчи ижро ҳокимияти тармоқ органлари фаолиятини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

бешинчидан, фавқулодда зарур бўлган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш;

олтинчидан, ижро ҳокимияти марказий органлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш улар фаолиятида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва ҳоказо.

6. Агентлик – белгиланган фаолият соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш, мулкни бошқариш, ҳуқуқларни ҳимоя ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ҳамда ҳуқуқни қўллаш функцияларини бажарадиган ижро ҳокимияти органи, деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

7. Давлат инспекцияси – фаолиятнинг муайян соҳасида қонун ҳужжатлари, стандартлар ва бошқа талабларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган, муайян фаолият турларини лицензияловчи махсус ваколатли ижро ҳокимияти органи деган муаллифлик таърифи илгари сурилди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар

1. Хорижий мамлакатларнинг ҳукуматни шакллантиришда парламентнинг фақатгина қуйи палатаси иштироки асосида шакллантиришга оид конституциявий-ҳуқуқий тажрибасини миллий қонунчиликда акс эттириш лозим. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 1-қисми 15-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш», деган қонуннинг Конституциянинг Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари белгиланган 79-моддасида акс эттириш, шунингдек, Конституциянинг 98-моддаси 7, 8, 9-қисмлари ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси 2, 4 ва 5-қисмларидаги «Олий Мажлис палаталарининг», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати» ва «Сенат» деган жумлаларни, ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидаги Бош вазирни шакллантириш жараёнида Сенатнинг иштирокини акс эттирувчи қоидаларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ўн биринчи қисми ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 6-қисмида ҳукумат аъзоларини парламент таркибий тузилмаларига ким тақдим этиши мавҳум тарзда ифодаланган. Биз Конституциянинг 98-моддаси ўн биринчи қисми ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси еттинчи қисмини куйидаги биринчи жумла билан тўлдиришни таклиф этамиз: яъни, «Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар Қонунчилик палатасидаги масъул қўмита, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан таклиф этилади».

3. Ўзбекистон Республикаси «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси тўққизинчи қисмидан сўнг ўнинчи қисм сифатида «Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари шарт. Шунингдек, улар давлат тилини билишлари ва олий маълумотга эга бўлишлари керак», деган янги қондани киритиш таклиф этилади.

4. Қонун ҳужжатларида ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллашдаги ноаниқликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасига Ўзбекистон Республикаси Президенти парламент палаталарига Бош вазир лавозимига номзодни тақдим этгач ушбу номзод парламент палаталари аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан маъқулланмаса Президент иккинчи ва зарур бўлганда учинчи маротаба парламент палаталарига бошқа янги номзодларни тақдим этиши билан боғлиқ тартибни белгилаш таклиф қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуни ҳам ҳукумат таркибида муҳим ўринга эга бўлган Бош вазир ўринбосарларининг муайян тармоқ вазирлик ёки давлат қўмитасига раҳбарлик қилиши мумкинлигига доир ҳуқуқий қондани белгиламаган. Шунга кўра ва ҳукумат раҳбари ўринбосарларининг кўшимча тарзда бошқа лавозимларни эгаллашларига оид ҳуқуқий тартибларни белгилаш зарурлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари вазир ва давлат қўмитаси раиси бўлишлари, шунингдек бошқа давлат органларига раҳбарлик қилишлари мумкин», деган қондани киритиш лозим.

6. Ҳукуматни ташкил этиш асослари ва фаолияти конституцияда белгиланганлиги ҳамда унинг фаолияти конституциявий-ҳуқуқий фаолият эканлиги сабабли, ижро ҳокимиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳам конституциявий мақомга эга бўлиши зарур. Хорижий амалиёт ва Ҳукумат фаолиятининг ўта муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга конституциявий қонун мақомини бериш лозим.

7. Ҳукуматнинг ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муҳим ваколатини «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаш учун 3-бобга алоҳида «Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий сиёсатни юритиш соҳасидаги ваколатлари», деб номланувчи янги 20¹-моддани киритиш ва уни «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатда ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини юритади; қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва бу йўналишда услубий раҳбарликни амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди; ижро этувчи ҳокимият органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштиради ва самарадорлигини ошириш чораларини кўради; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мониторингини юритиш орқали бу жараёнларни самарали ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади; ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш юзасидан ташкилий ишларни белгилайди», мазмунида ифодалаш мақсадга мувофиқдир.

8. Юридик тил ва техниканинг талаб ва мезонларидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси 2-қисми ва Вазирлар Маҳкамаси регламентининг 106-банди 1-хатбошисини «Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома тарзида расмийлаштирилади», деган қонидани «Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида баённома юритилади ва кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар қарорлар шаклида расмийлаштирилади», тарзида ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

9. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг Бош вазирнинг ваколатлари санаб ўтилган 21-моддаси 1-қисм 7-бандидаги, «Бош вазир давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади», деган қонун нормаси матнига аниқлик киритиш ва уни «Бош вазир давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалаларини ҳал этади», тарзида ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

10. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини белгилаб берувчи қонун ҳужжатларида унинг махфий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилишига оид ҳуқуқий асослар белгиланмаган. Шу сабабли биз, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасини қуйидаги, яъни «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун билан муҳофаза қилинадиган, давлат сирини ташкил этадиган маълумотларни ўзида ифода этувчи ҳужжатлари фармойиш шаклида қабул қилинади ва уларни расмий манбалар ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш талаб этилмайди», деган мазмундаги янги 3-қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

11. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари бўлган вазирлар ва давлат кўмиталари раисларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш

ваколати ҳукумат фаолиятини белгилаб берувчи махсус қонунда акс эттирилмаган. Шу боис, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси 4-қисмини «Вазирлар ва давлат қўмиталарининг раислари қарор ва буйруқлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади», тарзида янги қоида билан баён этиш ва қонуннинг 4-қисмини тегишлича 5-қисм сифатида белгилашни лозим деб ҳисоблаймиз.

12. Мамлакат ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудий бирлигида фавқулодда ҳолат жорий этмасдан ҳам Вазирлар Маҳкамаси томонидан чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этишига оид тартиб қонунчиликда белгиланмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни 31-моддаси 3-қисмини «Юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг тақдимномасига кўра бутун мамлакат ҳудудида ёки тегишли ҳудудларда ёнги объектларда белгиланган тартибда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиши мумкин. Ушбу ҳолат фавқулодда ҳолат тартиби жорий этишни талаб қилмайди», тарзида ўзгартириш лозим.

13. Ҳуқуқий тартибга солиш амалиётидаги ҳар хилликни бартараф қилиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи вазирлик ва қўмиталар фаолиятини белгилаб берувчи барча Низомларга, «Вазирликка, қўмига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган вазир, раис бошчилик қилади», деган бир хил қоидани киритиш зарур.

14. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддаси 3-қисмидаги «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзолангунга қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилади», деган, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 3-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли», деган ҳамда ушбу регламентнинг 106-банди 3-хатбошисидаги, «Бош вазир раислигида ўтказилган мажлис баённомаси имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этилади», деган қоидаларни қонунчиликдан чиқариш лозим.

15. Хориж амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрациясининг нима мақсадда ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берувчи нормани киритиш зарур.

16. Парламент текшируви хулосасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ҳукумат раҳбари Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдиришга оид тартибларни қонунчиликда акс эттириш зарур. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси 1-қисми 1-бандини «Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масалани киритиш», тарзида янги банд сифатида белгилаш лозим.

17. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг «Вазирлик ва давлат кўмиталари ҳуқуқий мақоми», деб номланувчи янги 24¹-моддасини қуйидаги мазмунда акс эттириш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни, вазирлик – қонунчиликда белгиланган фаолият соҳаси доирасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиб амалга оширадиган ҳамда шу мақсадда норматив-ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи ва бошқарувни амалга оширадиган ижро ҳокимиятининг марказий органи.

Давлат кўмитаси – қонунчиликда белгиланган фаолиятнинг тегишли соҳаларида давлат сиёсатини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган шу мақсадда норматив-ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи тармоқлараро бошқарув ва мувофиқлаштиришни амалга оширадиган ижро ҳокимиятининг марказий органи.

18. Ҳукумат фаолиятини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун билан белгиланмаган, бироқ ижро ҳокимияти органлари тизими ва тузилмаси ҳамда ушбу органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи, уларнинг бир-биридан фарқли хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, марказий ва ҳудудий органлари тизимини мустаҳкамловчи, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини акс эттирувчи алоҳида «Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органлари тизими асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

19. Норматив-ҳуқуқий белгилаш ва тартибга солишдаги баъзи ноаниқликларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри белгилаш йўли билан бартараф этиш мақсадида, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига, «Ўзбекистон Республикасининг адлия, муҳофаа, ташқи ишлар, ички ишлар вазирликлари ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсинади ва Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор ҳисобланади, шунингдек, улар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади», деган янги қонундан 5 қисм сифатида киритиш зарур.

20. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири давлат ҳокимияти тизимининг бошқа органлари, назорат қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан муносабатларда Ҳукумат вакили сифатида унинг номидан

иштирок этади, шунингдек у ушбу вакилликни бошқа ҳукумат аъзосига топшириши мумкин», деган янги қондан 6-қисм сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

21. Ҳокимларнинг тегишли ҳудуд вакиллик органи раҳбари эканлигини белгиловчи қондан конституция ва махсус қонун матнида чиқариш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси 1-қисмини, «Ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради» тарзида, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни 1-моддаси 2-қисмини «Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг мансабдор шахси бўлиб тегишли ҳудуддаги ижроия ҳокимиятини бошқаради», тарзида белгилаш зарур. Шундагина ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилининг маҳаллий даражада тўлиқ амал қилишига эришилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 103-моддасига янги 2-қисм ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасига янги 7-қисм сифатида, «Агарда вилоят ҳокими ўз зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажармагани юзасидан тегишли асослар мавжуд бўлганда, шунингдек, унинг бюджет ижроси юзасидан тақдим этган ҳисоботи юзасидан депутатларда ҳақли эътирозлар бўлганда, халқ депутатлари вилоят Кенгаши умумий сонининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилган таклиф бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашининг мажлиси муҳокамасига вилоят ҳокимига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Вилоят ҳокимига нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча халқ депутатлари вилоят Кенгаши аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ҳокимини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади», деган қондаларни киритиш ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси 2-қисмини тегишлича 3-қисм ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги қонуни 2-моддаси 7-қисмини эса, 8-қисм сифатида ифодалаш лозим. Мазкур тартибнинг белгиланиши маҳаллий ҳокимларнинг ҳисобдорлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

23. Қонунчиликда парламент томонидан ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдиришнинг аниқ мезон ва талаблари назарда тутилмаган. Шу боис биз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасини янги мазмундаги 13-қисм билан ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасини янги мазмундаги 12-қисм билан қуйидаги тахрирда «Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар юзага келган тақдирда, яъни Вазирлар Маҳкамаси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечикмай Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан биргаликда тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни қабул қилмаса; шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ўз мажлисларида Бош

вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитиб, унга нисбатан жиддий эътирозлар бўлганлиги сабабли қабул қилмаса Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади», тарзида тўлдириш ва тегишли тартибда мавжуд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддаси 13-қисмини 14 ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 12-қисмини 13-қисм сифатида белгилаш зарур деб ҳисоблаймиз.

24. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасини қуйидаги мазмундаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ўзига юкланган функцияларни бажаришни давом эттиришнинг имкони йўқ деб ҳисобласа, шунингдек, Ҳукумат юритаётган сиёсатга рози бўлмаган ёки уни олиб бормаётган ҳукумат аъзоси ўз истеъфосини сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиши мумкин», деган янги 5-қисм билан тўлдириш зарур.

25. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари деб номланган 4-моддасини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда бутунлай бошқатдан кўриб чиқиш ва унда албатта ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлик принципининг мавжуд бўлишини таъмишлаш лозим. Назарий жиҳатдан ва хориж қонунчилиги таҳлили натижасига кўра уни таҳминан қуйидагича таърифлаш мумкин. Яъни, Ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлик принципи бу – жамият ва давлат ҳаётининг у ёки бу соҳасига оид муносабатларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, шунингдек махсус стратегик дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш жараёнида давлат бошқарувининг узоқ муддатли ривожланиш истиқболини белгилаш орқали ижобий кўрсаткичларга эришиш мақсадини кўзловчи илмий жиҳатдан асосланган ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларининг натижадор фаолияти ва қарорлари тизимидир.

26. Ҳокимият ваколатлари тақсимланиши принципининг қонунчиликда акс этиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра ижро этувчи ҳокимият қонунларнинг ижросини таъминлаши унинг асосий вазифаси эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Суд ва бошқа органлари қарорларини ижро этиш департаментини ташкил этиш ва уни ижро этувчи ҳокимият тузилмаси сифатида қонунчиликда акс эттириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунда Ҳукуматнинг вазифаларидан бири сифатида «суд қарорлари ижросини таъминлайди», деган нормани киритиш лозим.

27. Ҳукумат таркибига кирувчи вазирлик ва давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг қарор ва буйруқлари ҳам

Конституциявий суднинг назорат объекти бўлишига эришиш лозим. Бу орқали барча норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органлар фаолияти бевосита Конституциявий суднинг назорати остида бўлишга эришилади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 1-қисми 1-банди ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Қонуни 4-моддаси 1-қисми 1-бандини, «Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат қарорларининг, вазирлик, давлат қўмитаси ва республика идораларининг буйруқ ва қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг конституциясига мувофиқлигини аниқлайди», тарзидаги янги таҳрирда баён қилиш лозим.

28. Бош вазирнинг мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва жамият ҳаётидаги мавқеидан келиб чиқиб, унинг лавозимга киришишдан олдин парламент олдида қасамёд қилиш амалиётини жорий этиш зарур ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига ўн биринчи қисм сифатида Бош вазирнинг қасамёд матнини тахминан шундай келтириш мумкин:

Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фаолиятимда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истикболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини амалга оширилишига бор кучим ва имкониятларимни сафарбар этишга тантанали қасамёд қиламан.

29. Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ва мавқеидан келиб чиқиб, уларнинг лавозимга киришишларидан олдин парламент олдида қасамёд қилиш амалиётини жорий этиш лозим ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига ўн иккинчи қисм сифатида Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг қасамёд матнини шундай келтириш мумкин:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фаолиятимда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этилишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоси сифатида раҳбарлик қиладиган соҳам зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга, Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истикболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режамни амалга оширилишига бор кучим ва имкониятларимни сафарбар этишга тантанали қасамёд қиламан».

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.32/30.12.2020.YU.74.01 FOR AWARDING
SCIENTIFIC DEGREES AT THE UNIVERSITY OF PUBLIC SECURITY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

KHASHIMKHONOV AHRORKHON MUMINOVICH

**ORGANIZATIONAL-LEGAL ISSUES OF THE ACTIVITY OF THE
CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

12.00.02 - Constitutional Law. Administrative Law.
Financial and Customs Law

**ABSTRACT
OF THE DOCTORAL (DSC) DISSERTATION
ON LEGAL SCIENCES**

Tashkent – 2022

The topic of the doctoral dissertation is registered with the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.3.DSc/Yu584.

The dissertation was carried out at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English, Russian) on the website of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan (www.jxu.uz) and on the information-educational portal «Ziyonet». (www.ziyonet.uz).

Official opponents:

Khusanov Ozod Tillabayevich

Doctor of Science in Law (DSc), Professor

Zulfiqarov Sherzod Xurramovich,

Doctor of Science in Law (DSc), Professor

Ismailova Gulnoza Saydiganixodjayevna

Doctor of Science in Law (DSc), Associate professor

The leading organization:

Customs Institute of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Academic Council under number DSc.32/30.12.2020.U.74.01 at the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan at 15 "15" december 2022 (Address : 100211, Tashkent, Zangiata district, Chorsu Tel: (99871) 230-32-71, fax: (99871) 230-32-50; Jxu@umail.uz).

The dissertation is available at the Information and Resource Center of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan (registered under the number 2413). (Address: 100211, Tashkent, Zangiata district, Chorsu. Tel.: (+99871) 230-32-71; fax: (+99871) 230-32-50).

The thesis abstract is distributed « 3 » december 2022.

(Registration statement No. 9 of « 3 » december 2022).



M. Kh. Rustambaev
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

Sh.M. Gaziev
Scientific Secretary of Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

M. B. Usmanov
Chairman of the Scientific seminar under the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of DSc dissertation)

The actuality and relevance of the dissertation theme. In the world, the application of transparent mechanisms of processes related to public approval and state accountability (responsibility) to the parliament as important areas of government organization and evaluation of its performance is becoming increasingly important. In particular, today, the functioning of a compact government in public administration in developed democracies, that one of the main tasks of the Government is the transition from administrative management of the society to the provision of targeted public services, the effective use of information communication technologies in the activities of State authorities and its structural structures, the gradual development of a system for the introduction of fast and high-quality public services by further reducing the human factor through the transition from the system «E-Government» to «Digital Government», as well as introduction of specific mechanisms related to constitutional and legal responsibility of the Cabinet of Ministers into our national legislation and practice of public administration.

In the world, research is being carried out to improve its constitutional and legal framework with a view to more effective organizational and legal organization of State activities. In this regard, particular attention is paid to defining the independent role and place of the Government in the system of state power, identifying alternative forms of government formation and recommending the candidate of Prime-Minister to the Parliament, to introduce effective mechanisms for the work of this body to influence the life of society and the State, to shape the activities of the Government more effectively, using democratic, non-objective forms and methods, acceptable to the public in the provision of public services, setting clear limits on the powers of the Government in its interaction with Parliament, the President and the judiciary, in addition, by defining the precise scope of the Government's law-making activities, conducting research to improve the constitutional and legal framework for Government accountability to Parliament and conducting political accountability procedures.

In the process of socio-political and administrative-legal reforms in our country, program measures aimed at achieving high efficiency through the new organization of the government, the further development of procedures related to its accountability to Parliament and the public, and ensuring effective implementation of their decisions are being implemented. Important tasks such as: «Development and implementation of a comprehensive program of measures to optimize and improve the activities of the Government and its member ministries and departments, increase the effectiveness of work, enhance personal responsibility and accountability of management» and «Strengthening the responsibility and accountability of public administration bodies in solving territorial issues on the basis of the principle «The State - for people» and creation of a new system aimed at planning their strategic directions, as well as the transformation of the activity of the state administration bodies on the basis of the principle of «directing them to the

service of citizens» have been identified. This means reducing the executive bodies that overlap each other's powers, broadly introducing the collective responsibility of the Cabinet of Ministers and the individual responsibility of the heads of the ministries and state committees that make it up, establishment of procedures and mechanisms for the constant accountability of executive bodies to society, the establishment of the consent of the population as a clear criterion for evaluating the activity of the government shows the necessity in scientific research of systems of transformation of state administration activity from «administrative management to public service (service)».

This dissertation contributes to a certain extent to the implementation of the tasks set out in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Constitutional Law of the Republic of Uzbekistan «On strengthening the role of political parties in the renewal and further democratization of state administration and modernization of the country», in the laws «On the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan», «On the Rules of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan», «On Parliamentary Control», «On State Power on Local Areas», in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 №-60 «On the Strategy of Development of New Uzbekistan for 2022-2026», «On approval of the Regulation of the Cabinet of the Ministers of the Republic of Uzbekistan» in accordance with the decision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 22, 2019 №242 and other normative legal documents related to the sphere.

Compliance of the study with the priorities of development of science and technology of the republic. The study was prepared within the framework of such priority areas of scientific development as "I. Improvement of the system of management in the field of science"; "III. Training of highly qualified scientific and engineering personnel and their referral to scientific activities.

Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation¹. Scientific research on the formation of the state and the legal regulation of its activities is conducted at the world's leading research centers and higher educational institutions, including Northwestern University, the University of Utah, Harvard University, Princeton University and the University of Michigan (USA), University of Cambridge, University of Oxford, University of Manchester and Queen's University (UK), University of Mannheim (Germany), University of Santiago de Compostela (Spain), All-Russian State University of Justice (Russia), and the University of Bukharest (Romania).

A number of scientific results have been obtained as a result of worldwide research on the improvement of the main directions of government activities and mechanisms for ensuring its functions, including: party-based government formation in a democratic environment and its structural models (Northwestern University); a

¹ Review of foreign scientific research on the topic of the dissertation: <https://www.northwestern.edu/>, www.usu.edu, <https://www.harvard.edu/>, <https://www.princeton.edu/>, <https://umich.edu/>, www.cambridge.org, <https://www.ox.ac.uk/>, <https://www.manchester.ac.uk/>, <https://www.queensu.ca/>, <https://www.uni-mannheim.de/>, <https://www.usc.gal/en>, nyuscholars.nyu.edu, www.jstor.org, <https://heinonline.org/> www.scp.politicaldata.edu, diposit.ub.edu, www.recercat.cat, www.urvak.ru.

range of factors affecting the executive branch through the government's interaction with the judiciary, executive influence on judicial decisions through executive involvement in the judicial formation process, or court revocation of executive branch documents, which serves to balance authority between the judicial and executive branches of government (University of Utah); on the premise that the state should move from administrative management to managerial management in public administration (Harvard University); a study of the interaction between the government and the president identified the scope and limits of their powers in the socio-economic development of the state (Princeton University); studied the procedure of a vote of no confidence in the government by Parliament in democracies (University of Michigan); substantiated the criteria of constitutional and legal responsibility of the state and the issues of its enforcement (University of Oxford); studied the mechanisms of ensuring the complex functions of government, that is, accountability, important for the effective organization of its activities, such aspects as individual approach to each issue and reducing its institutional structural units (University of Manchester); examined the mechanisms of ensuring the complex functions of government, that is, accountability, which is important for the effective organization of its activities, aspects such as the individual approach to each issue and the reduction of its institutional structural units (University of Manchester); analyzed the prospects for improving the system of "e-government" to make it more popular by simplifying governance (Queen's University); the main parameters of the relationship between government and parliament, including the role of representation (University of Mannheim); the relationship of government in the organization of territorial administration in interaction with local public authorities is studied (University of Santiago de Compostela); the law-making activity of government and the importance of this process in the life of the state and society is substantiated (All-Russian State University of Justice and the University of Bucharest).

Studies of the state functioning, mechanisms for ensuring its tasks and powers, ensuring the basis of accountability, as well as on a number of other priority areas: the study of the constitutional and legal framework of interaction between the government and other branches of government and interaction mechanisms; strengthening of control over the government to ensure the implementation of parliamentary decisions; improvement of the forms of vote of no confidence in the head of government (Prime Minister); clear definition of the procedures of interaction between the government and the executive bodies of the regional government; increasing the role of the state in the management, direction and control of the activities of lower executive bodies to implement strategic objectives; improvement of regulatory and legal regulation and law enforcement activities of the state; setting new priorities for the quality of participation organization; digitalization of government activities; widespread use of artificial intelligence to ensure the efficiency of government activities.

Level of study of the research problem. Various studies have been conducted in Uzbek legal science on issues related to the role of the State in the system of State power, its legal status and interaction with other entities of State power. Moreover,

research in this area is now assuming new relevance. Scientific research of the activities of executive authorities and government can be divided into several directions.

